ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ТАКОМИЛИ

Бакиров Отабек Бўранович
Жиззах Самбҳрам университети НТМ доценти

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ўрни, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатлари, ваколатларини жамиятнинг сиёсий тизимида ифода этиш йўли билан давлат билан жамият ўртасидаги боғловчилик ва воситачилик функцияларини бажариши кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, сайлов тизими, референдум, сайлов ҳуқуқи, халқ, давлат, жамият.

Аннотация

В данной статье показана роль политических партий в нашей стране, роль социальных групп, слоев интересов, их способность выражать свою власть в политической системе общества.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, избирательная система, референдум, избирательное право, народ, государство, общество.

Annotation

In this article considered the role of political parties in our country, the role of social groups, layers of interests, their ability to express their power in the political system of society.

Keywords: New Uzbekistan, electoral system, referendum, suffrage, people, state, society.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинаётгани, бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофи эканини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, кейинги вақтларда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган янги босқичдаги ислоҳотлар ўз меваларини бера бошлаб, Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда. Мазкур янгиланишлар давлат бошқаруви тизимининг самадорлигини оширишга қаратилгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Яқин истиқболдаги инновацион тараққиётимизнинг дастуриламали бўлган Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши ҳам айнан давлат бошқаруви тизими ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларга бағишлангани бежиз эмас. Янги Ўзбекистонда демократик давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш “Халқ давлат идораларига эмас,

давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган юксак ғояга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу борада ҳозирга қадар қилинган саъй-ҳаракатларни таҳлил этсак, қуйидаги муҳим жиҳатларни кўриш мумкин. Х**алқ билан мулоқот қилиш, инсонлар дарди, муаммоларини самарали, тезкор ҳал қилишнинг сифат ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги тизими яратилди.** Олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифалари бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ечиш, соҳани тўлақонли тартибга солиш амалга оширилмоқда. Қолаверса мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ўрни, электорат манфаатларини ўзлари қондириши лозим бўлган ижтимоий қатламлар ваколатларини сиёсий тизимда ифода этишдир. Партиялар турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатларининг ваколатларини жамиятнинг сиёсий тизимида ифода этиш йўли билан давлат билан жамият ўртасидаги боғловчилик ва воситачилик функцияларини бажаради, шу билан бир вақтда улар жамиятнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминлайди.

Ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларидан энг муҳими давлат ҳокимияти органларининг умумхалқ сайловлари асосида шакллантирилиши ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида бевосита, ёки ўзлари томонидан сайлаб қўйилган вакиллари орқали иштирок этиши ҳисобланади. Бунда энг аввало, жамият билан давлат ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини ўтовчи ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган – сиёсий партиялар асосий рол ўйнайди.

Сиёсий партия – бу қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи фуқароларнинг кўнгилли бирлашмасидир. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Экспертларнинг фикрига кўра, сиёсий партия – бу сиёсий амбицияга эга бўлган шахслар томонидан тузилган ва бошқариладиган ҳамда умумий мафкура асосида бирлашган тармоқдир. Сиёсий партиялар энг аввало, ўз электорати манфаатларидан, сиёсий мафкураси ва позициясидан келиб чиқиб, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларига етарлича таъсир ўтказишлари ҳамда ўзининг вакиллари орқали давлатнинг марказий ва маҳаллий ижроия органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда қатнашишлари лозим.

Сиёсий партияларнинг ғарб ва шарқ талқини

Дунё сиёсий тарихидан аёнки, замонавий типдаги сиёсий партиялар айнан ғарбда, демократик бошқарув тизимига ўтган мамлакатларда шаклланган. Уларнинг асосий вазифалари сифатида давлат бошқарувида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш; ўз электорати ҳамда бутун жамият манфаатларини илгари суриш; давлат ва жамият тараққиётига қаратилган муқобил лойиҳа (дастур)лар ишлаб чиқиш каби кўплаб функцияларни бажариб келади.

Немис сиёсатшуноси Клаус фон Бейме сиёсий партияларнинг устувор функциялари сифатида қуйидагиларни эътироф этади: ўз мақсадини аниқлаш, мафкурасини ишлаб чиқиш, ҳаракат дастури ва йўналишини белгилаш; жамоатчилик манфаатларини бирлаштириш ва илгари суриш; фуқароларни социализация ва мобилизациясини ташкиллаштириш; мамлакат бошқарув элитаси ва ҳукумат таркибини шакллантириш. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ижтимоий тараққиётнинг турли йўллари ва стратегияларини ишлаб чиқиш орқали социумнинг интеграциялашувини таъминлаб беради. Агарда ғарб ва шарқ давлатларида сиёсий партияларнинг шаклланиши, ривожи ва умуман жамият сиёсий тафаккурини қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, бир қанча фарқли жиҳатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу энг аввало, ўша жамият турмуш-тарзи,

демократик қадриятларга муносабати, менталитети, борин-ки, сиёсий тафаккурига боғлиқдир. Мазкур жараён энг аввало сайлов жараёнларида кўзга ёққол ташланади.



1 Расм Ғарб ва Шарқ мамлакатлари сайловолди кампанияларининг қиёсий таҳлили

Юқоридаги жадвалдан ҳам кўриниб турибдики, ривожланган ғарб мамлакатлари сиёсий тизими ва сайловолди кампанияларида энг аввало сиёсий мафкура устуворлик қилади. Яъни, партиянинг ғояси, мафкураси, жамият ва давлатни янгилаш бўйича ўзига хос дастурига катта аҳамият берилади. Электорат ҳам энг аввало муқобил дастурлар учун овоз беради. Шунинг учун кўпчилик ғарб давлатларида пропорционал сайлов тизими амал қилади. Кейинги позицияларда эса, сиёсий партия ва номзоднинг шахсий жиҳатларига эътибор қаратилади. Аксарият шарқ давлатлари сайлов жараёнида эса шахснинг ўрни ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Номзоднинг кимлиги, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, мавқеи, керак бўлса харизмаси сайловчиларни қизиқтирадиган энг бирламчи омиллардандир. Мазкур ҳолатда эса, сиёсий мафкура охирги поғонадан жой олади. Буни энг аввало шарқ жамиятларида патерналистик тафаккурнинг утуворлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Айнан сайловолди жараёнлари, сиёсий партияларнинг парламентдаги иштироки ва уларнинг доимий фаолиятидаги рақобати шу индикаторларга асосланади. Сиёсий жараёнлар субъекти ҳисобланган электорат, сиёсий партиялар, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳам мазкур тизим асосида шаклланган ва фаолият олиб боради. Мазкур қиёсий таҳлилдан кўриниб турибдики, ғарб билан шарқ жамиятлари сиёсий тафаккурида, ижтимоий-сиёсий тизимида тафовутлар жуда ҳам кўп. Буларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда, ривожланган демократик мамлакатларда кенг тарқалган муҳим институт – сиёсий дискурсга ҳам эътибор қаратиб ўтиш лозим. Айнан жамиятда бугунги кун учун долзарб бўлиб турган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий муаммоларни (масалаларни) муҳокама қилишда партиялар ўртасида доимий равишда олиб бориладиган сиёсий дискурсларнинг аҳамияти катта. Сиёсий дискурс – бу энг аввало сиёсий партиялар (шу жумладан фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари) ўртасида коммуникатив мулоқотни ташкил қилиб берадиган сиёсий жараёндир. Дискурслар ўз навбатида сиёсий етакчилар орқали бошқариладиган ва тегишли аудитория учун қўлланиладиган ҳамда ўзининг махсус тилига эга бўлган сиёсий воситадир.

Сиёсий дискурс сайлов кампанияси даврида партиялар томонидан мамлакат ички ва ташқи сиёсатини муҳокама қилишда, жамият ва давлат ҳаётига тааллуқли муҳим масалалар юзасидан баҳс-мунозарага киришувида ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларни таҳлил

қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Сиёсий партияларнинг ўзаро сиёсий дискуссияга киришишида оммавий ахборот ва коммуникация воситаларининг ўрни катта. Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасида нафақат сайловолди кампанияси даврида, балки мунтазам равишда долзарб ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан теледебатлар, брифинг ва пресс-конференциялар ўтказиб келинади.

Сиёсий дискурснинг асосий мақсади – мавжуд ҳолатни оддийгина таснифлаш эмас балки, бу ўз ғоя ва фикрларига электоратни ишонтириш, ижобий имидж яратиш ва аудиторияда мотивацияни уйғотишга қаратилади. Шунинг асносида сиёсий дискуссиялар презентатив: ўз ғоя ва дастурларини тақдимот қилиш, конструктив: амалдаги ҳукуматга (ёки ҳокимиятдаги партияга) нисбатан ўз позициясини билдириши, яъни муқобил ғоя ва дастурларни илгари суриш, конфронтатив: амалдаги ҳукуматга (ёки ҳокимиятдаги партияга) нисбатан мухолифат шаклида фаолият олиб бориш каби кўринишларда намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, давлат бошқарувини демократлаштириш, жамиятда қонун устиворлигига эришиш ва мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашда сиёсий партияларнинг ўз нуқтаи назари шаклланиши, давлат ва жамият тараққиётига қаратилган муқобил дарстурларни илгари сура олиш қобилиятига эга бўлиши, сайловлар давомида ўз сиёсий рақиблари (бошқа сиёсий партиялар) билан мазмунли мунозарага кириша олиши, бир сўз билан айтганда, мамлакат сиёсий тизимида кўппартиявийлик ва партияларараро рақобатни шакллантириш муҳим вазифалардан биридир.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда тўтта сиёсий партия расман руйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб бормоқда, булар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси; “Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.



Расм 2. “Сиёсий дискурс” шакллари: сиёсий жараёнларни қиёсий таҳлил қилиш асосида шакллантирилган.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП) – 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ташкил қилинган биринчи сиёсий партия. Мазкур партияни кўп жиҳатдан собиқ коммунистик партиянинг меросхўри сифатида ҳам эътироф этадилар. ЎзХДП 1991 йил 1 ноябрда расман рўйхатга олинган. Расмий маълумотларга қараганда бугунги кунда партиянинг аъзолари сони 425 минга яқин. Жойларда партиянинг 11 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб боради. ЎзХДП марказий

кенгаши раиси – Улуғбек Иноятов. Партия уставида унинг асосий мақсади – давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Партиянинг матбуот органи – “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари.

“Адолат” социал-демократик партияси – 1995 йил 18 февралда ташкил топган. Бугунги кунда 135 минг аъзоси бор. Республика ҳудудларида 3 минга яқин бошланғич партия ташкилотларига эга. Партия сиёсий кенгашининг раиси – Робаҳон Маҳмудова. Матбуот органи – “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси. Партия уставида белгиланган асосий мақсади – ҳуқуқий-демократик давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этиш дея белгиланган.

“Миллий тикланиш” демократик партияси – 2008 йил 20 июнда Миллий тикланиш ва Фидокорлар партияларининг бирлашуви асосида шаклланган. Партиянинг аъзолари сони 190 минга яқин. “Миллий тикланиш” партияси марказий кенгаши раиси – Алишер Қодиров. Партия уставига мувофиқ асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий ғурур, ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш эканлиги таъкидланади. Сиёсий партиянинг матбуот органи – “Миллий тикланиш” газетаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛидеп) – 2003 йилнинг 15 ноябрида тузилган. Партия ўзининг асосий мақсади сифатида – тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлаш экани қайд этилади. ЎзЛидепнинг аъзолари сони 252 минг нафарни ташкил этади. Партия сиёсий кенгаши раиси – Актам Хаитов. Матбуот органи – “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси.

Бугунги кунда, мазкур сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда вилоят, туман ва шаҳар вакиллик органларида ўз депутатлик мандантларига эга.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон республикаси Конституцияси “Ўзбекистон”. Тошкент-2023 йил

2. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

3. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

4. Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон маънфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йилигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

5. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

6. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. - Тошкент: Ўзбекистон, 2022.

7. Ш.М.Мирзиёев “Сиёсатшунослик”. Олий таълим талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2013.